

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
ILMIY AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA  
STATE UNIVERSITY**

**2012/3(47)**



# MUNDARIJA

## • BUYUK VA MUQADDASSAN, MUSTAQIL VATAN!

Раунов С.С. Мустақиллик: курашлар, ислохотлар, ютуқлар.....2

## • ANIQ VA TABIIY FANLAR

Мирзаев Ш.М., Ражабов Б.Х., Абдуллаев Ж.М. Метод определения оптимальных размеров парникового солнечного опреснителя с учетом аккумуляирования солнечной энергии.....6

Болтаев Т.Б., Бабаев С.С. Морфологик лугат тузишининг дастурий асослари (тушунча ва муаммолар).....10

Тураева У.Ф., Жураев Х.О. Использование селективных покрытий на низких высокотемпературных установках.....14

Таджиев С.М., Хайруллаев Ч.К., Назаров И.И., Амонова Х.И. Стабилизация аммиачной селитры путем введения различных добавок.....17

Имомов Ш.Ж., Ихтиярова Г.А., Ихтиярова М., Саидов Ф. Осаждение шлама после анаэробной переработки органических отходов в биогазовых установках.....20

Зарипов Г.Т., Астанов С.Х. Технология получения натуральных пищевых красителей для безалкогольных напитков.....23

Абдуфармонов Ф.Ф., Рашидов У.Р. Эртанги картошкadan мул ва сифатли хосил етиштириш омиллари.....25

## • IQTISODIYOT

Мўминов Х.М. Маркетинг тадқиқотининг он-лайн ва офф-лайн турлари.....30

## • TARIXSHUNOSLIK

Хайитов Ш.А., Айтматов З.Г. Бухороликларнинг хорихдаги мулклари ва ворисийлик ҳуқуқи масаласига доир (XIX аср охири – XX асрнинг бошлари).....35

Крахмаль К.А. Историческая роль первопроходцев в изучении древнейшей истории Узбекистана.....39

Мухамедов Ш.Б. Государство и ислам в Туркестанском генерал-губернаторстве.....46

Мирзаев Ф.Р. Мустақил Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлараро маданий алоқаларининг дастлабки қадамлари.....51

Йўлдошев С. Улоқ (кўпқари) ўйини ва унинг этномаданий жараёнлар ривожигаги ўрни.....54

## • FALSIFA

Музаффаров Ф.Д. Ғазолий таълимотида мухаббат тушунчаси Аллоҳга мухаббат аломати билан.....59

## • ADABIYOTSHUNOSLIK

Ражабов Д.З. Халқ кўшиқларида поэтик синтаксис муаммоси.....62

Бозорова Н.П. Алишер Навоий ғазалларида “латойифи сир” талқинлари.....66

Латинов Х.Р. “Лисон ут-тайр”да куфр ва бут.....70

Мухаммедова Н.Э. Маргарет Дрэбблнинг “Етти опа-сингиллар” асарида аёллар образининг бадий талқини.....72

Клычева Н.К. Петербургская тема в лирике Осипа Мандельштама.....76

Ахмедова Э.Р. Творчество Джона Донна на фоне исторических процессов XVI-XVII вв. ....79

## • NAVOIY GULSHANI

Бекова Н.Ж. Фаслар сеҳри ва инсон қисмати.....82

## • TILSHUNOSLIK

Ҳакимова М.К. «Дард» лексемасида лугавий маънонинг мавҳумлик даражалари.....85

Саидов Ё.С. Жадид шеърини асарларидаги синекдохалар ва уларнинг услубий-бадий хусусиятлари.....88

Исаров О.Р. Таксиснинг концептуал асослари.....91

Жуманазарова Г.У. Халқ дostonлари лексикасининг форс-тожикча қатламига доир.....94

Ҳожиева З.Б. Выявление национально-культурной специфики фразеологических единиц: современные подходы.....96

## • PEDAGOGIKA

Сайидова Н.С., Холов С.М. “Компьютер графикаси” фанидан масофавий таълим курсини ишлаб чиқиш.....100

Хасанова З.М. Новые возможности использования коммуникативного подхода в обучении лексике французского языка.....104

Akobirov F., Vokhidova N. The usage of standard American English pronunciation in English classes at Bukhara State University.....107

## • QUTLOV

Ж.Ёдгоров – 75 ёшда.....110

С.Қ.Қаххоров – 60 ёшда.....111

## • XOTIRA

Ахмедова Ш.Н. Олий даргоҳга садақат.....114

## • E'OLON

“Бухоро давлат университети қилмиш ахбороти” журналида мақола эълон қилиш талаби ва шартлари.....118



Ҳакимова Муҳайё Каримовна  
Низомий номидаги ТДПУ доценти, филол.фан.номз.

### «ДАРД» ЛЕКСЕМАСИДА ЛУҒАВИЙ МАЪНОНИНГ МАВҲУМЛИК ДАРАЖАЛАРИ

В статье дан анализ ступеней абстрагирования в разных семемах лексемы «страдание» («узб. дард») на материале «Толкового словаря узбекского языка».

The article analyzes the levels of abstraction in different sememes of lexems "suffering" ("uzb. dard") on the base of "Explanatory Dictionary of Uzbek language".

Абстракциянинг даражаланиши нафақат луғавий бирликларда, балки бир лексеманинг маънолари ўртасида ҳам воқе бўлади. Бу ҳолатни ўзбек тилида кўп маъноли ҳисобланган *дард* лексемасининг маънолари мисолида тадқиқ қилиб кўрамиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, абстракт тушунчаларни номловчи лексемаларни семик таҳлил қилиш жуда ҳам мушкул ва айрим ҳолларда имконсиз. Маълумки, конкрет маъноли лексемаларда семалар сигнификатда акс этган денотатив белгилар асосида ажратилади. Абстракт сўзларнинг сигнификати конкрет сўзларникидан тубдан фарқ қилади. Абстракт сўзларнинг семантик структурасида конкрет номларда мавжуд бўлган моддийликнинг шакли, ўлчови, ранги, овози, ҳиди, таъми, вақт ва макон континуумидаги жойлашуви каби денотатив хусусиятлари асосида шаклланган сигнификатив белгилар мавжуд бўлмайди. Абстракт номларнинг сигнификати тушунчадан иборат бўлади. Тил эгаларининг ақлий салоҳияти ва руҳий ҳолати турлича эканлигини эътиборга олсак, ақлан англанадиган, қалбан ҳис қилинадиган моҳиятлар ҳақидаги тушунчаларимиз ҳам турлича бўлади. Шу боис абстракт сўзларнинг семантикасини компонент таҳлил қилишда етарли даражада субъективликка йўл қўйилиши табиийдир [1, 151-153].

Бизнинг таҳлилимизда ҳам бундай ҳолат бўлиши мумкин ва биз субъективликдан имкон қадар қочиш учун *дард* лексемасининг семантик таҳлилида ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатидан фойдаландик [2, 562-563].

Ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатида *дард* лексемасининг бешта

маъноси берилган. Унга кўра, *дард* лексемасининг бош маъноси «жисмоний азоб ҳолати»ни ифодалайди ва у *оғир дард*, *дардга чалинмоқ* каби контекстларда реаллашади. Иккинчи маъноси «руҳий азобни, ғам-ғусса, алам-ҳасрат»ни (*айрилиқ дарди*, *дардида ёнмоқ*), учинчи маъноси «кишининг борлиғини, бутун фикри-ёдини банд этган нарса, иш, ташвиш, орзу, хаёлни» (*шоирлик дарди*, *улкан дард*), тўртинчи маъноси «фикру хаёл, армон, эзгу мақсад»ни (*халқ дарди*, *юртнинг дарди*); бешинчи маъноси эса «ишқ, муҳаббат»ни (*Лайлининг дарди*, *Маликаи Хуббонинг дарди*) ифодалайди. *Дард* лексемасининг берилган маъноларига эътибор қаратсак, унинг фақат жисмоний азобни билдирувчи бош маъноси жисм билан боғлиқ ҳолатни номлайди. Қолган барча ҳосила маънолар руҳий ҳолатни ифодалайди. *Дард* лексемасининг маъно тараққиётини компонент таҳлил асосида тадқиқ қилиб, маънонинг тараққий этиши билан бирга абстрактликнинг ҳам ошиб боришини кўриш мумкин.

Маълумки, ҳосила маъноларнинг шаклланиш тараққиётини ўрганиш учун, аввало, бош маънонинг семантик структурасини аниқлаш лозим бўлади.

*Дард* лексемасининг *дардга чалинмоқ*, *дард кўрмоқ*, *оғир дард* каби контекстларда реаллашувчи бош маъносини *дард1* деб белгилаб оламиз ва унинг семантик структурасини шартли равишда куйидагича аниқлаймиз: «ҳолат», «азоб», «жисмда кечувчи». Маъноси: жисмоний азоб ҳолати.

*Юракдаги дард*, *айрилиқ дарди* каби жумлаларда ойдинлашувчи *дард2* маъноси *дард1* маъносидан метафора ном кўчиши асосида шаклланган. Бунда жисмоний



характердаги азоб, яъни жисмнинг, вужуднинг қийналиш ҳолати билан руҳий характердаги азоб, руҳнинг, қалбнинг қийналиш ҳолати нисбатан ўхшатиш ва биринчисининг номи иккинчисига кўчган. Дард2 маъносида дард1 таркибидаги «ҳолат», «азоб» семалари сақланган, «жисмоний характердаги» сема «руҳий характердаги» семага айланган. Дард2: «ҳолат», «азоб», «руҳиятда кечувчи»; дард2 – руҳий азоб ҳолати. Дард2 семемаси руҳий ҳолатни ифодалар экан, унинг абстракция даражаси дард1га нисбатан сезиларли даражада баланд бўлади. Дард2 семемаси ифодалайдиган азоб дард1 ифодалайдиган азобдан фарқ қилади ва, ўз-ўзидан, семемалар таркибидаги «азоб» семаси ҳам абстрактлашади (Жисмоний азобнинг белгилари, меъёрлари мавжуд бўлади. Лекин руҳий азоб турли қалбларда турлича кечади, унинг кўриниш ва ўлчамлари мавжуд бўлмайди).


Дард лексемасининг шоирлик дарди, пул топиш дарди каби боғланишларда реаллашадиган дард3 маъноси дард2дан метонимия асосида ўсиб чиққан. Қиёсланг: дард2 – руҳиятнинг азобланиш ҳолати ва дард3 – кишининг руҳиятини банд этган нарса, фаолият, ташвиш, орзу, хаёл. Бу ўринда ном кўчиш руҳиятнинг азобланиши ва руҳиятга азоб берувчи нарса тарзида кўчган бўлиши мумкин. Бунда дард2 семемасидаги «руҳият» семаси асосий маъно ҳосил қилувчи вазифада иштирок этади. Дард3 семемасининг семаларини қуйидагича аниқлаш мумкин: «ташвиш», «руҳиятни банд этувчи». Кўриниб турибдики, дард2 семемасидаги «руҳият» семаси дард3 семемасида сема таркибида субсема мақомида келмоқда. Бу ҳолат метонимия учун характерлидир. Дард2 семемасида интенционал мақомдаги «азоб берувчи» семаси дард3 семемасида импликационал семага айланди. Қиёсланг: *юрак дарди* ва *шоирлик дарди*. Тўнгич бош маънода ҳам, дард2 семемасида ҳам мавжуд бўлган «азоб берувчи» семасининг дард3 семемасида хиралашуви ҳар икки семемада ҳам потенциал ҳолатда «салбийлик» семасининг семантик структурада жуда қуйи позицияга тушишига олиб келди. Ҳатто, бу сема мазкур дард3 семемада мажбурий бўлмай қолди. Дард3 семемасининг айрим

вариантларида «салбийлик: унинг дарди – ўйин» мавжуд бўлса, айримларида эса мажбурий эмас: шоирлик дарди.

Дард лексемасининг халқ дарди, *дарди* каби контекстларда реаллашадиган «фикру хаёл; армон, эзгу маъносини дард4 деб белгилаб оламиз. Мазкур маъно дард3 семемасидан метафора асосида ўсиб чиққан бўлиб, бунда дард3даги «руҳиятнинг банд этувчи» семаси сақланади, «ташвиш» семасининг ўрни ундан-да абстракт тушунчани ифодаловчи «хаёл» семаси эгалалайди. Дард3нинг «фаолият (шоирлик дарди)», «азоб берувчи (пул топиш дарди)», «салбийлик (унинг дарди – ўйин)» каби импликационал семалар эътибордан соқит қилинади. Дард2 семемасини алоҳида сема сифатида эмас, дард3 семемасининг варианты сифатида изоҳлаш ҳам мумкин. Дард3нинг умумий маъносини «руҳиятини банд этган ташвиш» сифатида «киши руҳиятини банд этган хаёл» ва хусусий кўриниши – варианты тарзида изоҳлаш ҳам мумкин. Демак, дард2 семемасининг абстракция даражаси дард3 семемасидан «хаёл» абстрак дифференциал семаси ҳисобига оқиб бўлади.

Дард лексемасининг бешинчи «дарди муҳаббат» маъноси *Лайли дарди*, *ёр дарди* каби контекстларда реаллашади. Дард2 семемаси дард3 семемасидан метафора асосида ҳосил бўлган бўлиб, бу маънонинг шаклланишига «руҳиятни банд этувчи» сема замин бўлган, дейиш мумкин. Дард3 семемасининг семаларини қуйидагича аниқлаш мумкин: «ҳис-туйғу», «мойиллик туйғуси», «инсонга нисбатан», «руҳиятни банд этувчи». Таърифи: руҳиятни банд этувчи маълум бир инсонга нисбатан мойиллик туйғуси.

Дард лексемасининг бош ва ҳозирги маънолари тараққиётини қуйидагича бериш мумкин:




Дард лексемасида маъно тараққиётининг борар экан, маъноларнинг абстракция даражаси ҳам ортиб бориши кузатилади.



Дард1 семемаси жисмоний азобни  
 қўдалар экан, ушбу маънонинг абстракция  
 даражаси пастроқдир. У жисмдан  
 исратилган ҳолатни номласа-да, лекин  
 ҳақиқатда жисм билан боғлиқлик  
 ҳақин-моқда. Дард2 семемасида жисм  
 билан боғлиқликнинг йўқлиги, руҳий ҳолатни  
 қўдалагани боис унинг абстракция  
 даражаси дард1га нисбатан анча юқори.  
 Қўқрида айтганимиздек, ҳосила маънонинг  
 абстрактулашуви бош маъно билан интеграл  
 бўлган семаларнинг ҳам абстрактулашуви  
 билан келмоқда. Бизнинг мисолимизда  
 дард2да «азоб» семаси ҳам  
 абстрактулашган. Дард2 семемасидан ҳосил  
 бўлган дард3 семемасининг абстракция  
 даражаси сезиларли фарқ қилмайди.  
 Абстракциянинг азобланиши ва руҳиятнинг  
 абстрактуланишига сабабчи ҳолат.  
 Дард4 семемасининг абстракция  
 даражаси дард3 семемасига нисбатан  
 юқори. Бундай ҳолат дард3 семемасида  
 функционал мақомдаги «фаолият»

семемасининг дард4 семемасида йўқлиги ва  
 дард4да дифференциал абстракт «жаъл»  
 семемасининг мавжудлиги билан изоҳланади.  
 Дард5 семемасининг абстракция  
 даражаси ҳам дард3га нисбатан юқоридир.  
 Абстрактуликнинг баландлиги мазкур семема  
 ҳолатни эмас, туйғуни ифодалаш билан  
 белгиланади. Абстракция даражасини  
 белгиловчи семалар эса «туйғу»,  
 «мойиллик» семаларидир.  
 Дард лексемасининг семемаларида  
 абстракциянинг даражаланишини  
 қуйидагича аниқлаш мумкин: дард1 ~ дард2  
 (дард3) ~ дард4 ~ дард5. Демак, жисмоний  
 ҳолатни номловчи лексемаларнинг руҳий  
 ҳолатни номлашга ихтисослашуви уларнинг  
 маъно тараққиётида абстракциянинг  
 вужудга келиши ва унинг даражаланиши  
 билан кечади.  
 Маъноларнинг абстракция даражасини  
 «абстракция микромайдони» сифатида ҳам  
 талқин қилиш мумкин (1-расм):



1-расм. Абстракция микромайдони («дард» лексемаси мисолида).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки,  
 абстрактуликнинг даражаланиши кўп  
 маъноли лексемаларнинг семемаларида  
 кузатилади. Бунда даражаланиш

фақат конкретликдан абстрактуликка ёки  
 абстрактуликнинг паст даражасидан  
 юқори даражасига томон йўналади.

АДАБИЁТЛАР

1. Горский Д.П. Вопросы абстракции и образования понятий. – М.: АН, 1961.  
 2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2006.